

26 (1075)-сон 27 июнь 2012 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган



Иқтидорли ёшларга кенг йўл 2▶

Аёл тадбиркор бўлса... 4▶



Эл олқишин олган отахон 5▶

Сўнги васият 6▶



БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!



Болали уй бозор дейдилар...

Матраб НУРИНБОЕВ
сурат-лавҳаси.

БУГУН МАТБУОТ ВА ОММОВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

СЎЗ МАСЪУЛИЯТИ

Касб масъулияти, давр руҳига ҳамоҳанглик, ҳақиқат мезонларига мослашиш... буларнинг ҳаммаси журналист-қаламкашлар шаънига айтилган эътирофлар десак муболаға бўлмайди. Бугун замон шиддати, тараққиёт тезлашуви, глобаллашув асри биздан ниҳоятда ҳушёрлик ва тезкорликни талаб қилаёттир. Хўш, бу борада ҳамкасбларимизнинг фикр-мулоҳазалари қандай? Турли жабҳаларда баҳоли қудрат ижод қилаётган соҳа ходимларини касб байрамлари билан чин дилдан қутлаб, қуйидаги саволларга уларнинг берган жавобларини эътиборингизга ҳавола этамиз.



3▶



Бандлик дастури — амалда!

Уч йиллик тахсил давомида бир нечта умумтаълим мактабларида амалиёт ўтадик. Дарс жараёнларини кузатиб, ўқитувчилик ўта масъулиятли касб эканини ҳис қилдим. Ушбу меҳнат ярмаркасида 48-сонли ўрта мактабда иш бошлашга йўлланма олдим.

Хуршида Умарқулова,
Ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи битирувчиси.

Насиб этса, август ойида Миллий банкнинг туманимиз филиалида касб-сир бўлиб ишлаш учун рухсат беришди. Кейинчалик олий ўқув юртига ҳам кириш ниятим бор.

Хилола Тошмирозева,

Педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи битирувчиси.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

Ўрта Чирчиқ туманида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 182 та корхона ва ташкилотлар 2000 га яқин иш ўринлари билан қатнашди.

Республикамиз аҳолиси, хусусан ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида вилоят, шаҳар ва туман миқёсида бўш иш жойлари ярмаркаларини ўтказиш яхши аъёнага айланиб бормоқда. Кунни кеча Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги ва прокуратураси, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши, O'zLiDeP-нинг туман бўлими ташаббуси билан Агростанот ва транспорт касб-хунар коллежида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида 182 та корхона ва ташкилотлар 2000 га яқин иш ўринлари билан қатнашди.

— Ушбу ярмаркада туманда фаолият кўрсатаётган 7 та касб-хунар коллежининг 846 нафар битирувчиси, 940 нафар вақтинчалик ишсиз фуқаролар иштирок этди. Бу йил 2195 нафар ўқувчи туманимиздаги касб-хунар коллежларини битириб, катта ҳаётга йўлланма олишди. Ушбу ярмарка орқали уларнинг 353 нафари ўз касб-хунарларига мос ишга йўлланма олишди, — дейди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Шухрат Ражапов. — Пойтахтдаги институт ёки кўшни туманлардаги касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшларнинг ҳам 20% и ишга жойлашиш бахтига муяссар бўлишди. Ҳамкорларимиз билан йил давомида 5 марта ярмарка ўтказишни режалаштирганмиз.

Учинчи марта ўтказилаётган бугунги ярмаркада туман тиббиёт бирлашмаси, Қорасув пахта заводи, халқ таълими бўлими фаол иштирок этаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.



Дарвоқе, ярмарка давомида мактаб ҳамда мактабгача таълим муассасалари мутахассислари энг кўп талаб билан чиққанига гувоҳ бўлдик. Туман халқ таълими бўлими услубчиси Алишер Тожибоев бу ҳақда шундай дейди:

— Туманимиз миқёсидаги мактаб, боғча ва интернатларнинг барчаси бугунги ярмаркага жалб этилди. Мактаб директорлари ҳамда боғча мудирларининг жонбозликлари туфайли гувоҳи бўлганингиздек, 182 нафар битирувчи йўлланмага эга бўлди. Биз ёш мутахассислар билан ишлашда маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг кўмагига таянамиз. Энг асосийси, яр-

маркадан кейин ҳам биз йўлланма олган ёшларнинг тақдири билан қизиқамиз. Улар бошлаган ишини эплаб кетдим- йўқми, буни ўрганамиз. Мабодо муаммоларга дуч келган бўлса, буни ҳам ҳал этамиз.

2-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси Мавлуда Фармонова ишга йўлланма олган бир гуруҳ педагоглари синондан ўтказишни тезликда бошлаб юборибди. Ёшларнинг турли савол-мулоҳазаларига шояшмай, асосли жавоб бераётган Мавлуда опа ўтказилаётган тадбирнинг моҳияти хусусида шундай дейди:

— Очиги, бугунги ёшларнинг интилувчан, изланувчанлигини кўриб, қувониб кетасан киши. Ўн нафар қизлар орасидан Марямхон Асановани танлаб, боғчамизга тарбиячи вазифасига ишга таклиф этдим.

Модомики, ярмарка мавзуси хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган экан, бу борада хайрли юмушларни амалга ошираётган туман тадбиркор аёллар уюшмаси раиси Башорат Нуруллаеванинг фикрлари билан қизиқдик:

— Бугун аёлларимиз бола тарбиялаш билан бирга уйда ўтириб ишлашмоқда, пул топиб, рўзгор бюджетига ҳисса қўшишмоқда. Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Микрокредитбанк" томонидан пул маблағлари ажратилган. Эндиликда келиннинг сепига эмас, эпига қараб баҳо берадиган фурсат етиб келди. Керак бўлса, ҳозирги қайноналар ўғлига келин танлаётганда: "Хўш, кизинг қўлида қандай касб-хунари бор экан" деган саволни беришпти. Оналаримиз ҳам қизларини ёшликдан касб-хунари қилиш ҳаракатига тушиб қолишган. Бугун биз ҳам ана шундай ишга, хунари қизлардан 20 нафарини эпга танлаб олдик.

Ярмарка давомида ёшлар орасидан иқтидорли, изланувчан касб эгалари танлаб олинди. Кимдир ўқиш давридаги имкониятдан оқилона фойдаланиб қолганидан хурсанд бўлса, аксинча, вақтини беҳуда ўтказган айрим ёшлар афсусланиб қолди. Ушбу тадбир мисолида юртимиздаги ўқийман ёки ишлайман, деган ёшлар учун барча имкониятлар етарли эканига яна бир қарра амин бўлдик.

Нигора РАҲМОНОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири,
Тошкент вилояти.

2012 — МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

ажралишлар сонининг йилдан-йилга ортиб бораётгани бугун хар биримизни бу борада жиддий ўйлашга даъват этади. Жумладан, статистик маълумотларга кўра, никоҳни бекор этишлар сони 2010 йилда 21060 тани, 2011 йилда эса 22749 тани ташкил этганлиги ачинарли ҳолатдир. Оилаларнинг бузилишига эса ақсарият ҳолларда эркакнинг спиртли ичимлик ёки гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилиши, айрим ҳолатларда қайнона-қайнота ва бошқаларнинг аралашуви сабаб бўлмоқда.

Яна бир жиҳати, ҳали турмуш қуришга тайёр бўлмаган тажрибасиз қизларни эрга бериш ёки ҳали бирон бир касб-хунарининг этакини тутмаган, оила деган тушунчанинг мазмун-маъносини тўла-ўтқис англаб етмаган йигитчаларни уйлантириш ҳам ноўрин ажралишларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Ўзи бир жойда меҳнат қилиб пул толмаган, оила, рўзгор, бола-чақа масъулиятини ҳали ҳис этмаган йигит албатта рўзгор юқини кўтара олмайди. Статистик маълумотлар шундан далolat берадики, республика миқёсида оталикни белгилаш ҳолатлари 2011 йилда 2010 йилга қараганда 368 тага ошган. Бунинг асосий сабабларидан бири, айрим ота-оналар ҳали балоғат ёшига етмаган қизларни шаръий никоҳ асосида турмушга узатмоқдалар. Сир эмас, ақли расо, бирор касб-хунари эгаллаган қиз билан ҳали касб-хунар тугул, ҳатто рўзгор тутишни эпломмайди-ган ёш қиз ўртасида катта фарқ бор-ку!

Шундай экан, Юртбошимиз раҳнамолиги остида оилаларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳеч қандам кам бўлмаган ҳаёт кечирishiлари йўлида олиб борилаётган изчил ислохотлар замирида ҳар бир оила пойдеворини мустаҳкамлашдек эзгу мақсадлар етибди.

О. НУРУЛЛАЕВ,
Юнусобод тумани прокурори ўринбосари.

Жараён

ТАДБИРКОРЛИК ВА ОАВ

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ва Жаҳон банки ҳамкорлигида "Тадбиркорликка оид масалаларнинг ОАВда ёритилиши" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимизнинг мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида зикр этилган демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш жараёнларини ўрганиш, соҳага оид мавзуларни ОАВларида сифатли ёритиш ҳамда журналистларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида сўз юритишди. Тренингда дастлаб Ўзбекистонда тадбиркорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари, ҳуқуқимиз томонидан соҳани қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар кўлами, бу борадаги хориж тажрибаси таҳлил этилди. Шунингдек, матбуот вакиллари иқтисодий ёт асослари, тадбиркорлик соҳасига оид материалларни ёритишда журналистик ёндашув, мавзу устида ишлаш, ахборот излаш тамойиллари, қондалари ва меъёрларига риоя қилиш ҳамда иқтисодий мавзудаги мақолаларни тайёрлашнинг алоҳида хусусиятлари билан яқиндан танишдилар.

Семинар интерфаол тарзда ўтказилиб, ОАВларида чоп этилаётган иқтисодий йўналишдаги мақолалар замонавий ёндашувлар асосида талқин қилинди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Гулноза БОБОЕВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

ЎҚУВ СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Сергели тиббиёт коллежида "Бу — менинг оилам" мавзусига бағишланган ўқув семинари ўтказилди. Қизгин мунозараларга бой бўлган машғулотда сўзга чиққанлар оилани мустаҳкамлашда тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг ўрни хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Айниқса, катта ҳаёт мактабини ўтаган инсонларнинг жамият таянчи бўлган оилада ота-она ва фарзанд зиммасидаги бурч-вазифалар билан боғлиқ тажрибалари ёшларда катта таассурот қолдирди. Эндигина мустақил ҳаёт оstonасидан хатлаётган йигит-қизлар учун бундай ажойиб учрашувларнинг ўрни бекиёс.

Семинарда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топибгина қолмай, балки кичик тадқиқот ва кузатувлари асосида тайёрлаган маърузалари билан ҳам фаол иштирок этишди.

Насибохон АБДУРАҲМОНОВА,
Сергели тиббиёт коллежи
ўқувчиси.

ҲИСОРДА МЕДИАТУР

Ўтган ҳафтада Қашқадарё вилоятидаги Ҳисор кўриқхонасида "Экосан" халқаро жамоат фонди ва "Чинор" экологик нашриёт компанияси ҳамкорлигида ўтказилган медиатур жамоатчиликни атроф-муҳитнинг барқарор ривожланиши борасидаги хабардорлигини ошириш мақсадида ташкил этилди. Ушбу танловда журналистлар ўзларининг экологик мавзудаги иходий ишлари билан иштирок этдилар. Ушбу тадбир "Қоплон 2012" республика танлови доирасида ўтказилди.

Мирқарим МИРСОВУРОВ,
"Экосан" бўлим бошлиғи.

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ



Акбар НУРМАТОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети декани:

— Кимдир журналист юксак ижодий қобилиятга эга бўлиши керак деса, яна биров оммавий ахборот воситаси ходими етук билим, бой ҳаётий тажриба ва юқори касбий малакага эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Буларнинг ҳаммасида ҳам жон бор. Бироқ бугунги шиддатли тараққиёт замонида журналист, энг аввало, маълум соҳага ихтисослашган бўлиши лозим. Бизнингча, аниқ йўналишга ихтисослашув, жамият ҳаётининг бирор-бир соҳасини чуқур ва атрофлича ўрганиш замонавий журналист қиёфасини белгилаб берадиган муҳим омил ҳисобланади. Журналистларнинг ихтисослашуви масаласига давлатимиз раҳбари ҳам ўз чиқишларида, маърузаларида алоҳида тўхталиб ўтганлар. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари жадал ривожланмоқда ва аҳолининг сийёсий, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, демократик янгилаш ва модернизация қилишнинг таъсирчан воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

— Ахборот асри сифатида талқин этилаётган янги юз йилликда ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан интернетнинг шиддат билан ривожланиб бораётганлиги инсоният тараққиётига янгича кўриниш ва моҳият ато қилди. Давлат ва жамият ривожланишининг мазкур янги шақли "электрон" борлиқ кўринишида характерланиб, унинг келажагини алоқа тармоқлари орқали бутун дунёни ягона ахборот маконига айлантираётган миллионлаб "байтлар ва битлар" ҳал қилмоқда. Интернет давлатлар ва халқлар ўртасидаги ахборот алмашишни мисли қўрилмаган даражада тезлаштириди, дунёни инсоният учун том маънодаги "ягона глобал маконга айлантирди". Айнан мана шундай шароитда замон журналистидан икки карра масъулият, икки карра ҳушёрлигини талаб этади. Юртимизда амалга оширилаётган давлат дастурлари моҳиятини ва улар бераётган юксак самараларни аҳолига етказиш-

га қаратилган мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш ҳаммиса оммавий диққат-эътиборида. Шундай экан, бундай ахборий жамият ОАВ соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳар қандай журналист учун улкан вазифаларни ҳам юклайди.

— Журналистикада ўз услуби, ҳаётий тажрибаларига эга қаламкашлардан тортиб, эндигина олий даргоҳни битириб, ОАВ да иш фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшларгача ўзини шу соҳанинг вақилиман деб ҳисоблайди. Шунинг учун барча устозлар, ҳамкасбларимизу шогирдларимизга байрам муборак бўлсин, дейман!

ши, ички маданиятидан келиб чиқиб, атрофда рўй бераётган воқеа-ходисаларга нисбатан муносабат билдиради. Бу унинг шахсий фикри, шахсий позицияси. Лекин журналистда улардан фарқли ўлароқ ўз фикр ва қарашларини кенг оммага тақдим этиш имконияти бор! У бу имкониятдан қай мақсадда ва қандай фойдаланади — бу унинг касбга бўлган масъулиятига, виждонига боғлиқ. Журналист ҳиссиётларга эмас, аниқ фактларга, ҳолисликка таяниши лозим.

— Барча ҳамкасбларимни байрам билан табриклайман.

ни танлаб қабул қилиш имконияти мавжуд. Шунинг учун ҳам журналист ва унинг масъулияти деган тушунчаларни мутлақо бир-бирдан айрича ҳолда тасаввур қила олмайман.

— Барча ҳамкасбларимни касб байрамлари билан чин дилдан табриклайман. Айниқса, оила ташвишлари, уй-рўзгор юмушлари, фарзанд тарбиясидан ортиб, жамиятимиз ривожига баҳоли қудрат улш қўшаётган ижодкор опа-сингилларимиз, дугоналаримизга заҳматли ва шарафли ижодий ишларида омадлар тилайман.

эътибор ва эътирофнинг ўзбек журналистларга юртимизда қай даражада эътиром кўрсатилаётганининг ёрқин далилидир. Мамлакат раҳбарининг бу юксак эътибори ўз-ўзидан соҳа ходимлари елкасига жуда катта масъулият юклайди. Бу юрт, миллат тақдирига дахлдорлик, дунёда кечаётган ўзгаришларга теран нигоҳ билан боқиб, муштарийларга уларнинг асл моҳиятини тушунтириб бериш каби мезонлар ҳисобланади.

— Ҳозир юртимизда 1250 дан зиёд оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Аммо, афсуски, жамиятимиз олиб борилаётган туб ислохотлар ҳисобига тозаориб бораёти ва бунда ОАВнинг ўрни ҳали жуда суст. Кишилар кўнглига

СЎЗ МАСЪУЛИЯТИ

- Бугунги замонавий ўзбек журналисти қандай бўлиши керак?
- Журналист масъулияти деганда нимани тушунасиз?
- Байрам тилақларингиз?



Гулноза ДАВЛАНОВА,
"Ўзбекистон" телерадиоканали "Ойдин ҳаёт" ва "Ўзингни англа" кўрсатувлари ижодий гуруҳ раҳбари:

— Албатта, замонавий бўлиши керак! Замон тезкор, демек, у замондан ортада қолмаслиги шарт. Журналист нафақат энг сўнги янгиликларни, балки содир бўлиш эҳтимоли бўлган воқеа-ходисаларни ҳам назардан қочирмаслиги даркор. У кечаги кун билан яшамаслиги керак. Бугунги кун тақдим этаётган барча техник ва технологик имкониятлардан фойдаланган ҳолда халқимизни ҳолис ахборот билан таъминлаши зарур. Ва албатта, қалам чархланган бўлмоғи керак. Бунинг учун доим ўқиб-ўрганиши, кунига ҳеч бўлмаганда икки варақ қоралани, ҳар дақиқада пишиши лозим.

— "Журналист масъулияти" ва "журналист виждони" деган сўзлар орасига тенглик белгисини қўйган бўлардим. Ҳар бир инсон ўз тафақури, дунёқара-

— Зарбиби ЧОРИЕВА,
"O'zbekiston" телерадиоканали катта муҳаррири:

— Менимча, энди замонавий журналист нафақат ўз юртида, балки бутун оламда содир бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиши зарур. Бунинг учун эса у, аввало, бир нечта тилини билиши, замонавий ахборот қўрилмаларидан фойдаланишни ўзлаштириши керак. Фақат шундагина у замон билан ҳамнафас замонавий жур-



налист деган номга муносиб бўла олади.

— Бежиз бу касбни жамиятнинг кўзгусига қиёслашмайди. Мабодео, ўша кўзгу хира тортса, унинг ойнасини ўз вақтида артиб, тозалаб турмайди-ган касб эгалари айбдор бўлади. Натижада жамиятнинг маънавияти ҳам хира тортади. Буни газети, телевидение ёки радио-да ишловчи ҳамкасбларимизга бирдек таъдир қилиш мумкин. Бугуннинг одамлари ўта зийрак, энг замонавий ахборот коммуникация воситалари билан қуролланган. Унда ахборот-

Иномжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" газетаси бўлим муҳаррири:

— Журналистларни одатда халқ ва ҳокимият ўртасидаги адолат ва ҳақиқат мезонларидан барпо этилган мухташам кўприкка, ижтимоий ҳаётдаги воқеликлар бор малоҳати ва қабоҳати билан акс этиб турадиган миллат ойнасига ҳамда турли ёт унсурларга қирон келтирувчи жамият шифокорига менгашади. Гарчи мазкур ташбеҳлар бир-бирдан тамоман фарқли бўлса-да, уларни умумлаштириб турувчи ўқ илдиш — муштарак жиҳат йўқ эмас. У ҳам бўлса, масъулиятли соҳа ходимларининг шу халқ, шу миллат, шу юрт равнақи учун меҳнат қилишлари, ҳолислик тантанасини барча нарсдан аъло би-лишларидир. Бугунги ўзбек журналисти, назаримда, мана шу олий рутбаларга муносиб бўлмоқ учун янада кўпроқ фаол бўлиши керак. Қолаверса, уч ёки тўртта тилда мулоқот қилиш, компьютер технологияларидан унумли фойдалана олиш, энг асосийси, воқеа-ходисаларни таҳлил қила олиш салоҳиятига эга бўлиш — шарафли касбимизнинг ажралмас таркибий қисмларидан саналади.

— Истиқлол неъматлари ва тараққиёт «мева»лари билан зийнатланган бугунги кунимизда ОАВ ходимларига бўлган ҳурмат ва эътибор ҳар қачонгидан юксакроқ. Президентимиз 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари кунини муносабати билан ҳар йили соҳа ходимларига табрик йўллаб, кўнгилларидаги самимий тилақларини изхор этадилар, керакли йўл-йўриқлар ва тавсияларини берадилар. Шу



кириб борадиган, уларнинг қалбини тўлқинлантирадиган, бир гоё атрофда жипслаштира оладиган чиқишлар ниҳоятда кам. Фикримча, матбуотда публицистик материалларнинг сифат ва салмоғини янада ошириш керак. Чунки публицистика адабиёт, сиёсат ва журналистиканинг қудрати ва жозибасини ўзида намоён эта олади. Асосий муаммо тажриба ва маҳорат камлигида бўлса керак. Бунинг учун ўтказилаётган нуфузли танловларда иштирокчиларнинг бу борадаги изланишлари эътиборга олинса, голиб ва совриндорларнинг танловга тақдим этган материаллари китоб ҳолида чоп қилиниб, тегишли ўқув юртларининг ўқув режасига киритилса, бу фақат фойдалан ҳоли бўлмасди.

Гап шакл ва мазмун ҳамонахлиги ҳақида кетаётган экан, тилагим дунё алломуларидан бири лутф этганидек, «Олтин олмани кумуш соқаса узатайлик». Зотан, миллий матбуотимизни «бору-йўғимиз» акс этадиган жамиятнинг табарруқ дастурхонига қиёс этсак, унга ҳар хил ва сархил «мева»ларни тортиқ этиш биз журналистларнинг касбий вазифамиз, муқаддас бурчимиздир.

"Оила ва жамият" муҳбири
Шаҳноза РОФИЕВА
ёзиб олди.

Умр ким учундир узун, бошқа бировда қисқа кечиши мумкин. Аммо инсон қадр-қиммати унинг неча йил яшаганида эмас, балки ҳаётнинг мазмун-моҳиятида, дейишган алло-малар.

Ёш журналист Дилфуза Ҳасанова ўзининг қисқа умри давомида ҳаёт йўлига мазмун бахш эта олган қалам аҳли вақилиси сифатида яқинлари, ҳамкасблари хотирасида қолди.

У талабалик йилларидаёқ республика матбуотининг турли нашрларида мақолалари билан мунтазам катнашиб турарди. Ўша кезларда у, айниқса «Аълочи» журналининг фаол, доимий муаллифларидан бирига айланганлиги ҳамон

ЭЗГУЛИК ЙЎЛДОШИ ЭДИ...

кўпчилик тенгқурлари ёдида.

У сўнги йилларда бир мuddат «Моҳият» газетасида ишлади. Матбуот соҳасида фаолият юритиш ҳаммиса катта масъулият талаб этишини Дилфуза чуқур ҳис эта олди. Унинг «Севгининг қай-гули қисмати», «Истеъдогга рағбат керак», «Устоз саботи ва ибрати», «Меҳрдан яралган аёл» каби ўнлаб мақолалари теран таҳлил ва мантиқ билан ёзилгани боис кўпчиликнинг эътиборига тушди.

Дилфуза мақолаларини кўп ёзишга эмас, мазмуни ёзишга интиларди. Чунки сўз айтмоқчи, бирор муаммо, мавзу

борасида хулоса билдиришни жамият, жамоатчилик олдидаги бурч деб биларди. Инсоннинг ўз касбига муносабати албатта шахсий ҳаётда ҳам акс этади дейишди, аҳли донишлар, Бу таъриф Дилфузага ҳам бевосита тегишли эди.

Ҳаётдаги шиори меҳр ва яхшилик, эзгулик эди унинг. Бу сўзларни овоз чиқариб такрорламас, ёзган мақолаларида бу оддий ҳақиқат бўй кўрсатиб турарди. У инсонларга бўлган меҳр-муҳаббатини самимий ва жуда чиройли тарзда намоён эта биларди. Бошқалар билан оддий сўхбатлардан тортиб, ёзаётган мақолалари мазмунида, оилавий

Хотира ёғдуси

ҳаётда ҳам биринчи галда эзгуликка ихлос акс этиб турарди.

Яхшилик, эзгулик ўлмайди, у қанот ёйиб авлодлар ҳаётда, сўзи ва ишида давом этаверади. Шу маънода Дилфуза Ҳасанованинг ибратли умри унинг яқинлари, фарзандлари — Аббосхон, Сарваржон ва Маҳфузаларнинг ҳаёт йўлида давом этаверади. Чунки бу умр мазмуни яхшиликка, эзгуликка интилишдан иборат. Шу йўлни тутган инсонлар хотираси ўчмасдир.

Рустам БОЙТЎРА,
журналист.



MIKROKREDITBANK

Мамлакатимизда барча соҳаларда хотин-қизлар фаолиятини ошириш, айниқса, уларнинг тадбиркорлик ва оилавий бизнес соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Зеро, "Мустаҳқам оила йили" Давлат дастурида белгилаб берилган долзарб вазифаларда ҳам айнан шу жиҳатларга устувор аҳамият қаратилган. Республика "Микрокредитбанк" ОАТБ ана шу жараёнларда фаол иштирок этиб, аёллар тадбиркорлиги, иш билан бандлиги ва оилавий бизнес ривожига муносиб улуш қўшмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги ҳамда 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари асосида фаолият юритаётган мазкур молия муассасаси ўтган даврда тадбиркор хотин-қизларимизнинг ишончини қозониб, уларнинг яқин кўмакдошига айланди, десак муболага бўлмайди.

Шундай хунарлар борки, аёллар меҳнатисиз уларни тасаввур этиш қийин. Дейлик, тикувчилик ёки каштачилик. Бу хунарларни фақатгина хотин-қизлар удалаш мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Тузуқки-на даромад келтирадиган шундай хунарлари билан ҳам оиласига, ҳам жамиятга наф келтираётган хотин-қизларимиз бугун жуда кўп. Ўз касбини эъозлаб келаётган бундай қўли гул, тадбиркор аёлларни рағбатлантиришда микрокредитлар қўл келмоқда. Жумладан, фоизи кам, имтиёзли микрокредитлар тадбиркорликни бошлаш, давом эттиришда қатор қулайликлар туғдирмоқда.

Фикримиз тасдиғини банкнинг "Мустаҳқам оила йили" Давлат дастури доирасида амалга ошираётган ишлари мисолида кўраимиз. Банк томонидан шу йилнинг ўтган даври мобайнида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун **2 миңдан** зиёд оилага **12,3 миллиард** сўмлик маблағ берилди. Аёллар тадбиркорлигига йўналтирилган сармоялар **16,7 миллиард** сўми, касб-хунар коллежлари битирувчиларига тақдим этилган кредитлар ҳажми эса **3,8 миллиард** сўми ташкил қилди.

Президентимиз яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги сўзлаган нутқида ўқувчиларни касб-хунар кол-

лежларига қамраб олиш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш борасида фикр юритар эканлар, қиз болаларни коллежда ўқитиш муҳимлигини қуйидагича таъкидлаб ўтдилар, коллежда ўқиб, аниқ касб-хунар эгаси бўлиш, биринчи навбатда қиз бола учун зарур. Қўлида хунари бор қиз эртага бировга қарам бўлиб қолмайди, ўз меҳнати, билим ва истеъдоди билан оиласини тебраттишга, фарзандларини баркамол инсон этиб тарбиялашга ҳисса қўшади. Бу, ўз навбатида, ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳқамлашда қандай муҳим

ликаси Марказий банки ва "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси доирасида ўтказилган семинарда ҳам айнан шу масалага эътибор қаратилди. Семинарда ёш тадбиркорларнинг банк кредитлари эвазига яратган маҳсулотлари кўргазмаси намойиш этилди. Пировардида, "Микрокредитбанк" томонидан ўзининг пухта бизнес-режасига эга бўлган 20 нафар коллеж битирувчисига замонавий тикув машиналари, 5 нафар битирувчига бошланғич сармоя

"Ўзкўргазмасавдо" мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари бўйича "BankExpo — 2012" миллий кўргазмаси доирасида ўтказилган танловда "Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк" номинацияси бўйича голиб деб топилди.

Дарҳақиқат, мазкур молия муассасаси, юқорида таъкидланганидек, ўз фаолияти давомида меҳнат бозорига энди-

зардўлик, кўрпа-тўшак тикиш, дўппичилик каби фаолият турлари йўлга қўйилди. Германиянинг Жамғарма кассалари фонди кўмагида эса Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида яқка тартибда фаолият юритаётган тадбиркорларга берилган кредитлар эвазига гиламчилик, тикувчилик, зардўзлик, миллий кийимлар тикиш ва маиший хизмат кўрсатиш сингари соҳаларда 200 га аёллар иш билан таъминланди.

"Микрокредитбанк"га ижтимоий йўналишлардаги "MikroFinanzaRating" компанияси (Италия) халқаро қабул этилган "SBV" метёрларига мувофиқ "Амалда ўз мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш ва зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни самарали бажариш борасида етарли қобилиятга эга, ўз ижтимоий мақсадларига эришиш эҳтимолиги юқори бўлган банк" деган ижтимоий рейтинг тақдим этди. Бунинг ҳам ўзига хос сабабларидан бири — "Микрокредитбанк" аҳоли учун тақлиф этаётган маҳсулотлари — яратаётган, замонавий хизматлари билан мамлакатимиздаги яратувчиликни, фаровонликни барқарор этиш жараёнига муносиб ҳисса қўшмоқда. "Мустаҳқам оила йили"да банк "Оила фаровонлиги учун" деб номланган хизматлар мажмуасини тақдим этмоқда. Банкнинг мазкур янги хизматлари жисмоний шахсларга мўлжалланган бўлиб, оила учун ҳар томонлама қулайликлар, имкониятлар яратиш, оилалардаги фарзандларнинг замонавий, илгор кишилар бўлиб улғайишларига кўмаклашиш, оила даромадларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Банкнинг оилавий бизнесни қўллаб-қувватлашга қўшаётган ҳиссаси тахсига лойик. Бинобарин, банк замонавий хизмат турлари билан кишлоқдаги оилаларнинг барча эҳтиёжларини қамраб олишга ҳаракат қилмоқда. Томорқа эгаларига иссиқхоналар ташкил этиш, ерга ишлов бериш, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун ҳам ана шундай сармоялар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбек миллий хунарамандчилиги жуда қадимий ва ноёб бўлиб, бундай мураккаб ва нафис санъат асосан оилавий шароитда яратилади ва авлодан-авлодга ўтади. Банк оилавий хунарамандчиликни ҳам ўзининг имтиёзли сармоялари билан қўллаб-қувватламоқда. Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, банк томонидан **2005 нафар** тадбиркор аёлга **16,7 миллиард** сўм кредит ажратилган. Натيجида, **7 миңг 797 нафар** аёллар доимий иш билан таъминланган.

Бир сўз билан айтганда, "Микрокредитбанк" сармоялари мамлакатимиз иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлган тадбиркор аёлларнинг оиласи, фарзандлари қамали, ва пировардида, юрт тараққиёти ва аҳоли фаровонлиги учун хизмат қилаётганининг исботидир.

"Микрокредитбанк"
матбуот хизмати

РЕКЛАМА ЎРНИДА

АЁЛ ТАДБИРКОР БЎЛСА...

РЎЗФОРДАН ҚУТ-БАРАКА АРИМАЙДИ

аҳамиятга эга эканини кимгадир исботлаб беришнинг ҳожати йўқ.

Банк аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда асосий эътиборни энг аввало ёшларга қаратмоқда. Хусусан, банк ходимлари касб-хунар коллежлари ўқувчиларига тадбиркорликни бошлаш учун микрокредит олиш тартиблари ва ундан мақсадли фойдаланиш талаблари мавзусида тадбиркорлик дарсларини ўтмоқдалар. Мазкур тадбирларнинг амалий самараси сифатида ўтган йили касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 1795 нафарига 5 миллиард сўмдан ортиқроқ миқдорда бошланғич сармоя сертификатлари тақдим этилди. Дикқатга сазовор жиҳати, жорий йилда ажратиладиган кредитлар миқдори ўтган йилга нисбатан 1,2 баробарга оширилиб, 6,2 миллиард сўмга етказилиши кўзланмоқда.

Ушбу йўналишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" лойиҳаси амалга оширилаётгани, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашувчи "Менинг бизнес ғоям" танловчи ташкил этилган ёшларни ишбилармонликка жалб қилишда қўл келаятир.

Шу билан бирга, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан биргаликда ёшларнинг тадбиркорликка қизиқишини кучайтириш мақсадида "Диплом билан — бизнесга" ўқув-семинарини ўтказиш бўйича қўшма қарор имзолангани қўллаб-қувватлашга ўз бизнесини бошлашга туртки берди.

Жорий йил 26 май куни Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида Ўзбекистон Респуб-

ликаси билан таъминланган бўйича банк сертификатлари ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектларига қимматбахо совғалар топширилди.

— Менга тикув машинаси ажратилгани айни муддао бўлди, — дейди Оқтош тадбиркорлик ва сервис коллежнинг учинчи босқич талабаси Адолат Ўктамова. — Ёшлигимдан тикиш-бичишга қизиқардим. Эндиликда уйда ўз бизнесимни бошлаш имконияти туғилди.



Бугунги кунда банкнинг мадади билан Адолат сингари қўллаб қизлар мустақил тадбиркорлик фаолиятини бошлаётганликлари кишида ҳавас уйғотади.

Жорий йилнинг 3-4 апрель кунлари Амстердам шаҳрида (Голландия) бўлиб ўтган "Ёшларнинг молияларини ривожлантириш ташкилоти"нинг биринчи Халқаро саммити ва тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикасининг "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки ёшларга молиявий хизматларни кўрсатиш ва таълим дастурлари учун шарт-шароит яратиш бўйича етакчи ўринда эканлиги, шунингдек, болалар ва ёшларни молиялаш каби йўналишларни ташкил этаётган биринчи банк сифатида эътироф этилган. Шунингдек, "Микрокредитбанк" ОАТБ апрель ойида пойтахтимиздаги

гина кириб келаётган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натيجида жойларда айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдирмоқда. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар ўз ёнига тенгдошларини қорлаб, уларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқаришга кўмаклашмоқдалар.

Эргаш ота Ниёзовни излаб Оққўрғон туманига борганимда, очиги, бу инсон билан суҳбатлашиш анча қийин бўлса керак, деган хаёлда эдим. Отаҳон билан телефонда бир марта гаплашибок, осонгина тил топишиб олдик.

— Ҳозир фермер хўжалиғимизда галла ўрими қизгин кетаяпти, яхшиси, катта ўғлим Шухратжон билан далаларини айланиб, ғўза пайкалларини ҳам кўринглар. Кўз тегмасин, бу йил деҳқончилик учун яхши келди. Фалламизнинг ҳам чўғи ёмон эмас.

Отаҳоннинг бу гапларидан

босиб, “Кеча тунда отам менинг ёнимда экан-да”, деб қувонардик.

Орадан қанча йиллар ўтди. Энди ўзимиз ота бўлдик, оила қурдик. Айниқса, мустақиллик йилларига келиб ҳамма соҳада бутунлай ўзгаришлар бошланиб кетди. Бу расмий гап эмас, чин дилдан айтаялман, истиқлол деҳқонларга қанот берди. Ер ҳам ўз эгасини топди. Биргина мисол, ўтган йили жами 130 гектар майдонга пахта экиб, давлатка 330 тонна пахта топширдик. Фалла сотиш давлат бюртмасини 116 фозизга бажариб, ҳосилдорликни гектарига 50

Одамлар орасида

ҳам азиз билинг, ана шундагина улар ҳам меҳр-оқибат кўрсатади...

Бу савобталаб инсоннинг эсласа арзигулик амаллари бисёр. Айтишларича, у Ҳ.Олимжон номидаги хўжаликка раҳбарлик қилган кезлари худуддаги 12- ва 13-сонли мактаб бинолари, хўжалик фермаси барпо этилибди, 40 километрлик йўл қурилган, чекка қишлоқларга табиий газ ва ичимлик суви қувурлари тортилшида унинг хиссаси бўлган. Айниқса, олий ва ўрта махсус ўқув юрларида ўқийётган талаба ёшларга махсус стипендиялар таъсис этганини ҳалигача кўпчилик эслайди.

Таъкидлаш керакки, Эргаш ота бугунги кунда ҳам юқоридаги каби бунёдкорлик ишлари билан банд. Чунончи, 2009 йилда “Агробанк”нинг Оққўрғон туман филиалидан имтиёзли кредит олиб, каттагина чорвачилик фермасини қурдирди. У кишидан 80 ёшда ҳам тетик ва бардам юришларининг сабабларини сўраганимда ним табассум билан шундай жавоб берди:

— Аввало меҳнат қилсангиз, эртаю кеч иш билан банд бўлсангиз, ҳеч қачон қаримасиз. Зеро, оқмай турса, сув ҳам айниди. Қолаверса, оиладаги тинчлик-тотувлик, болаларнинг ахил-иноқлиги ҳам одамни ёшатиради.

Эътиборли жиҳати, Эргаш отанинг самарали меҳнати давлатимиз томонидан юксак баҳоланган. Президентимиз Фармонга биноан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор” фахрий унвони ҳамда “Эл-юрт хурмати” ордени билан тақдирланган. Қаҳрамонимизнинг захматли меҳнати, ҳавас қилгулик ҳаёти ва ниҳоят, панду насихати, йўл-йўриқлари бугунги замондошларимиз учун ибрат бўлгулик.

Сўнги сўз ўрнида эса Ўрт-босшимизнинг Эргаш ота ҳақида айтган ушбу пурмаъно эътирофларини келтиришни жоиз топдик: “Деҳқончиликда ижобий натижаларга эришишда ўзига хос мактаб яратган Оққўрғон туманидаги “Ўзбекистон” жамоа хўжалиғи раиси, миришкор пахтакор Эргаш Ниёзов... сингари фидойий инсонларга таҳсин айтсақ арзийди”.

НИГОРА ҲАМИЯТ,
“Оила ва жамият” муҳбири,
Тошкент вилояти.

РЕКЛАМА ҲУНИ

ЭЛ ОЛҚИШИН ОЛГАН ОТАХОН



сўнг Шухрат ака ҳамроҳлигида ям-яшил пахтазорлар, ҳосил гарқ пишиб, олтиндек товланаётган галла майдонларини кўздан кечиргач, халқимиз дастурхонини тўкин қилиш йўлида ҳалол меҳнат қилаётган бободехқонлар шаънига раҳматлар айтгиси келади кишининг.

— 2006 йилда “Ўзбекистон” фермерлар уюмсида 197,5 гектарлик “Эргаш-Саиджаҳон”, Оққўрғон фермерлар уюмсида эса 78 гектарлик “Шухрат-Шохруҳ” фермер хўжалиқларини ташкил этдик, — дейди Шухрат ака суҳбатни давом эттираркан. — Билсангиз, аслида ота-она фарзандга ойна-андоза бўлар экан. Отамиз довриги тўрт тарафга кетган инсон. Ўша пайтларда ишонасизми, отамизни ҳафалаб кўрмасдик. Шунда онам раҳматлига, “Отамиз нега кундузи биз билан бирга бўлмайдилар”, деб хархаша қилардик. Тугилган кунларимизда ёстиғимиз остидан анчадан буюн орзу қилиб юрган йўнчоқни ёки китобни топиб олардик. Уни бағримизга маҳкам

центнерга етказдик. Бугунинг ўзидан 120 тоннаси хўжалиғимиз ихтиёрида қолди. Жорий йилда ҳар икки фермер хўжалиғи ер майдонининг 120 гектарига пахта, 71 гектарига галла эканмиз. Хар йили аҳолига арзон нархларда 5–6 тонна гўшт, 60–70 тонна сўт маҳсулотлари етказиб бераёلمиз.

Ниҳоят Эргаш ота билан биргаликда у кишининг ҳонадонига йўл олдик. Отаҳон бироз нафасини ростлаб олгач, ўз хотираларини сўзлай кетди:

— Отаи оламдан ўтганида мен 13 ёшда эдим. У замонларда бир бурда нон анчога шафе эди. Яхшиямки, 9 ёшимдан бошлаб падаримнинг қанотиға кириб темирчиликни ўрганган эканман. Ҳунарнинг қадрни баландлигини ўшанда англаганман. Оллоҳ раҳмат қилсин, турмуш ўроғим Сурайёҳон билан 52 йил умргузаронлик қилиб, тўрт ўғил ва икки қизни воёга етказдик. Фарзандларимиз орқасидан келин-куёвлар келиб уйимиз янада тўлди.

Менинг ҳаётий шиорларимдан бири шундай: келин ва куёвингизни ўз фарзандингиздан

Тадбир

ЯРИМ АСР ЁНМА-ЁН

Айни кунларда “Мустаҳкам оила йили”га бағишлаб юртимизнинг ҳар бир гўшасида турли тадбир ва учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Яқинда пойтахтимизнинг Юнусобод тумани Оқтепа маҳалласида “Ярим аср ёнма-ён эъзоз давраси” мавзусида тадбир уюштирилди.

Туман хотин-қизлар қўмитаси ва “Маҳалла” жамоат фонднинг шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кечага маҳалланинг кўша қариган ибратли 28 жуфт отаҳон ва онаҳонлари, шунингдек, ёш оилалар тақдиф этилди.

Сўзга чиққанлар Оқтепа зиёлилар маҳалласи эканлигини, бу ерда 10 нафар фан доктори, 34 нафар фан номзода яшаётганлигини фахр билан тилга олишди. 274-сонли ўрта мактаб ўқувчилари ўзлари тайёрлаган саҳна кўринишлари билан иштирок этишди. Шунингдек, эл суйган санъаткорлар ижросидаги куй-кўшиқлар даврага фойз бағишладилар.

Тадбирда ҳомийлар Халқаро продюссерлик маркази, туман ФХД бўлими ҳамда 2-сонли “Шодлик” никоҳ уйи ибратли оилалар вакиллариға ўз сова-саломларини топширишди.

Гулчеҳра КАРИМОВА,
маҳалла маслаҳатчиси.

АВЛОД ҚОЛДИРИШ — МЕРОС

Зурриёд (насл) қолдириш — Оллоҳнинг одамзотга ато этган буюк инъомидир. Лекин баъзан шундай касалликлар ҳам борки, бу инсоннинг насл қолдиришига тўсқинлик қилади. Статистика маълумотлари бўйича одатда 80-85% оилаларда 12 ой давомида контрацепцияларсиз жинсий ҳаёт кечирилганда ҳомилдорлик кузатилади.

Агар бу вақт давомида ҳомилдорлик кузатилмаса, бу бепуштлиқ ҳисобланади ва мутахассис кўриги тавсия этилади. Маълумотларга кўра, уруғлантиришга ноқобиллик 30% га яқин ҳолатларда фақат эркаклик омиллари билан, 20% ҳолатда эса эркак ва аёлдаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Шундай қилиб, бепуштлиқда 50% га яқин ҳолатларда эркаклик омилли аҳамиятга эга.

Бепушт оилалар сонини кўпайтирувчи сабаблар турлича. Варикоцеле (уруғ тизимчаси веналари кенгайиши), эркаклар жинсий аъзолари сурункали яллиғланиш касалликлари, қандили диабет, гипоталамус, гипофиз бозлари ва уруғдонлар функцияси етишмовчилиги, уруғ тизимчаси орқали сперматозоидлар чиқиши бузилишлари (туғма аномалиялар ёки травмалар, операциялар, яллиғланиш турғамлири асоратлари), касб касалликлари бепуштлиқнинг асосий омиллари ҳисобланади.

Эркаклар бепуштлиқнинг секретор ва экскретор турлари фарқланади. Оила жуфтлигининг тиббий текширувлари бир вақтда бошланиши керак. Эркакларни текшириш аёллар тиббий текширувларига нисбатан осонроқ, тез ва арзон бўлган сперма анализи кўрсаткичларига асосланади. Ваҳоланки, кўп ҳолларда аёл йиллар давомида тиббий текширувлардан ўтиб, даволанган бўлади. Лекин шифокор тавсияларига қарамадан эркаклар тиббий текширувдан ўтишни ноаниқ муддатга қўзиб келади. Кўпинча эркак “Менинг жинсий ҳаётимда муаммо йўқ, шунингдек, уруғлантириш хусусиятимда ҳам муаммо бўлиши мумкин ҳам эмас”, деган фикрда бўлади. Сперманинг уруғлантириш хусусияти бир миллилитрдаги сперматозоидлар сони, фаол ҳаракатчан, морфологик этилган сперматозоидлар фозизи ва бошқа бир қатор кўрсаткичлар орқали аниқланади. Спермаграммани баҳолаш Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига мос равишда олиб борилиши керак. Бепушт жуфтликлар орасида барча даволаш методлари олиб борилгандан кейин ҳомилдорлик даражаси 35–40%ни ташкил қилади.

Туғиладиган фарзанд жинси сперматозоидга боғлиқ ҳисобланади. Сперматозоидлар ярмиси ўзида Х(икс) хромосома, қолган ярмиси Y(игрек) хромосома тутуди, тухум ҳужайра бўлса, ўзида фақатгина Х хромосома тутуди. Шундай қилиб, жинсий ҳужайралар кўшилишидан қиз бола (XX) ёки ўғил бола (XY) шаклланади.

“Ўғил бола” сперматозоидлари эпчил, қаққон — ҳақиқий спринтер ҳисобланади. Улар 15–20 см масофани тезроқ босиб ўтишди ва мақсадга — тухум ҳужайрага етиб боришади. Агарда жинсий алоқа вақтида тухум ҳужайра бачадон найида бўлса, унга биринчи бўлиб айнан Y — сперматозоидлари етиб боришади.

“Қиз бола” X сперматозоидлари “ўғил бола” сперматозоидларига нисбатан кам ҳаракат бўлишса ҳам, лекин чидамли ва яшовчан ҳисобланади. Y-сперматозоидлари қисқа вақтда кучини йўқотади, икки кундан кейин ҳаракатсиз, уруғланиш майдонида аҳамиятсиз бўлиб қолишади. Фақатгина қолган X — сперматозоидлари уруғланишда иштирок этади ва фарзанд жинси қиз бола бўлишига сабаб бўлишади.

Инсоннинг насл қолдириш хусусияти — бу организм соғломлиги кўзгуси ҳисобланади. Агарда сиз соғлом турмуш тарзини олиб борсангиз, тўғри овқатланиш тартибига риоя қилсангиз, организмнингизда туғма касалликлар аниқланмаса, уруғдон яллиғланиш касалликлари, уларнинг травмалари кузатилмаган бўлса, бахтли ота бўлиш имкониятингиз юқори ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, эркаклик бепуштлиги қанчалик муаммолигига қарамадан, ўз вақтида мутахассисга мурожаат қилинса, ижобий кўрсаткичларга эришиш мумкин.

Баҳодир РАҲМАТУЛЛАЕВ,
1-Тошкент шаҳар клиник шифохонаси
урология бўлими шифокори,
тиббиёт фанлари номзоди.

РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қунидаги ўқув курсларига тақдиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.	Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой, Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.	Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Аёллар костюм-шимми,	Каштачилик — 3 ой (машинадада вышивка).
плаш-пальто — 1-2 ой.	Тўқувчилик — 2-3 ой.
Хамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш,	Инглиз тили — 3 ой.
2 ойи амалиёт.	Рус тили — 3 ой.
Хамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).	Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Тиббий массаж — 2 ой. Нўқтали — 1 ой.	Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.	Компьютер сабоқлари — 2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.	Интернет — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.	
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.	
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.	
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.	

Барчаси амалиёт билан
Ётоқхона мавжуд.

Ўқиниш тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МУЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЛЖАЛ: Қуйлик кийим бозори рупарасида.
ТЕЛ: (8371) 295-97-82; 199897 785-90-30 (кундузи)

ЎҚУВЧИЛАРИМИЗ ҲАЁТДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПСА

— демак меҳнатимиз зое кетмабди, — дейди Каттақўрғон шаҳридаги 2-умумтаълим ўрта мактаби директори, “Раҳбар аёллар” клуби раиси Замирахон Исанова.

Шаҳардаги маъзур ўқувчиларининг Каттақўрғон маърифатининг бешиги десак адашмаган бўламиз. Айни пайтда мактабда 967 нафар ўқувчи илм-фан сирларини пухта эгаллаб, камол топмоқда. Уларга 54 нафар талабчан ва изланувчан ўқувчилар жамоаси сабоқ бермоқда. Илм даргоҳида “Таблим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш ва мактаб таълимни ривожлантириш умуми-миллий Давлат дастурлари бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Мактабимизда ўқувчиларнинг ҳар томонлама пухта билим олишлари учун барча шарт-шароитлар етарли, — дейди билим маскани директори. — Устозларимизнинг ўз касбига фидойилиги, ижодкорлиги, доимо янгиликка интилишлари боис ўқувчиларимиз турли кўрик-танловлар, фан олимпиадаларида шаҳар миқёсида, қорили ўринлари эгаллашди, вилоят босқичларида ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Менинг ўқувчилик касбини танлашимга дадам Шароф Салимов сабабчи. У киши ҳам шу мактабда 40 йил бошлангич синф ўқувчиларига сабоқ берган. Биз ўқувчиларга кучли билим бериш билан бирга уларни Ватанга, ота-онага садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашимиз лозим. Мактаби-

мизда ҳар ойда фан ўқитувчилари орасида очик дарслар эълон қилинади. Хоҳлаган ўқитувчи ёки ота-она унда иштираётган, дарс бераётган муаллимнинг билими, изланишини кузатиши мумкин.

Маънавият ва маърифат хонасида мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлигида турли мавзуларда учрашувлар ўтказилмоқда. Кимё, биология, физика ва физ-

Эртанимиз эгалари

мачилик кабинетлари давлат таълим стандартлари асосида тўлиқ жиҳозланган. Компьютер хонаси, ахборот-ресурс маркази ва ўқув лаборатория фаолияти намунали йўлга қўйилган. Малакали ўқитувчилар Фарида Орипова, Баҳодир Лутфуллаев, Дилбар Ашурова, Азиза Саидовалар янги педагогик технологиялар асосида ўқувчиларга пухта билим бермоқда. Мусика фани ўқитувчиси Сайёра Йўлдошева раҳбарлик қилаётган “Умид ғунчалари” рақс тўрагаги фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ. Шаҳар миқёсидаги асосий байрам тадбирлари маъзур илм масканида ўтказилади.

Ўқув даргоҳида “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон”, “Президент асарлари билимдонни”, “Гиёҳандлик — умр заволни” каби мавзуларда тадбирларнинг ўтказилиб борилиши

анъанага айланган. Ҳаётий тажриба шуни кўрсатадики, ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий омил-муаллим, унинг тафаккур дунёсидир. Устознинг бахти ўқувчилар онгига ўзи сочган эзгулик уруғларининг ўсишида, машаққатли меҳнати билан баркамол авлодни тарбиялашда акс этади.

Давлатимиз раҳбарининг ёшларни янада шижоатли, дадил бўлиб яшашга чорловчи қўйидаги сўзлари ҳар биримизни юксак орзулар сари етакласа не ажаб: “Энг катта бойлигимиз — бунёдкор халқимиз, эртанги кун эгалари бўлиши оловқалб ёшларимиздир. Иш азизларим, биз бошлаган ишларнинг давомчиси сифатида олдимизга қўйган мақсад — ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, демократик овоз ва обод жамият қуришда эртага асосий, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётганингизни чуқур ҳис этиб, замонавий тараққиёт сирларини эгаллашга, албатта, қодир бўлишингиз керак”. Зеро, бу сўзлар қалбиде ярут келажаги учун дахлдорлик ҳиссини туйган ёшларни, жумладан, юқорида таърифлаганимиз 2 умумтаълим мактаби жамоасини ҳам янги марралар сари интилишга ундамоқда.

Хошим ОРЗИҚУЛОВ,
“Оила ва жамият” муҳбири.

КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ

Бундай номга сазовор бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Негаки, қандай соҳада бўлмасин, самарали меҳнат ва заҳматнинг мезони энг аввало, Эл-юрт орасидаги обрў-эътибор билан ўлчанади. Шу маънода Ургут тумани ички ишлар бўлимининг хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинимаси раҳбари сифатида хизмат қилиб келаётган милиция майори Юсуфжон Исломов ҳақида гап кетса, ҳамма унинг ўз соҳасининг билимдонни эканлигига алоҳида урғу беради.

— Бугунги кунда туманимизда 410 минг аҳоли истиқомат қилади. Деярли ҳар куни ўнлаб фуқаролар турли масалалар юзасидан мурожаат этишади, — дейди Юсуфжон Исломов, — албатта, уларнинг аксарияти фуқароликни тасдиқловчи муҳим ҳужжат — паспорти билан боғлиқ масалалар юзасидан мурожаат этишади. Маълумки, Президентимиз томонидан 2010 йил 23 июнда имзоланган “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонда белгилаб берилган талаб ва қоидаларни амалга ошириш бўйича бизнинг туманимизда ҳам қатор ишлар бажарилди. Айни пайтда фуқаролик паспортларини биометрик паспортга алмаштириш жараёни қизгин давом этмоқда. Бу эса бизнинг ходимларимиз зиммасига ҳам жиддий масъулият юклайди.

Дарҳақиқат, Юсуфжон Исломов ўзаро суҳбат давомида ҳамкасблари — Абдуғаффор Раҳмонов, Абдуғани Каримов, Музробжон Ширинкулов, Зоир Султонов, Эгамберди Хўжақулов, Феруз Усмонов сингари соҳа фидойилари номини ҳам ҳурмат билан тилга олди. Уларнинг ҳар бирини «Мустақкам оила йили»да эл-юрт осойишталиги ҳамда ахиллик ва тотувлики таъминлашда ибрат кўрсатишаётганини таъкидлаб ўтди.

Кўвончли томони, Юсуфжонни яқиндан билган-таниган кишиларнинг айтишларича, бу оила ўзлари яшаётган маҳалла ахли орасида ҳам бошқаларга намуна бўлиб келаётди. Турмуш ўртоғи Мақсудахон Усмонова билан икки фарзандни тўри, ҳалол тарбиялаш орқали, уларнинг ҳам эл қорига яраши йўлида мустақкам замин ҳозирлашмоқда.

Узоқ ОМОНОВ,
Самарқанд вилояти.

...Икки йилча аввал жиддий хасталикка чалинган жондай азиз дугонам ўзи билан пойтахтга, малакали шифокор кўригига ҳамроҳ бўлиб бориб келишимни сўради. Йўқ деёлмадим. Тошкентга етиб борган кунимиз навбатимиз етмади. Ижара уй топиб, тунаб қолишга мажбур бўлдик. Шифохона қоровули жонимизга оро кирди.

— Бир кекса ўқитувчи онахон бор, уйи шу атрофда. Олисан келувдик, десаңгилар, йўқ демаса керак, — деди. Айтилган манзилдаги хонадонни излаб топдик. Юз-кўзлари нурга тўла ая бизларни ўзининг кўп йиллик кадрдонларидек самимий кутиб олди. Ҳаммаёғи саранжом-сарашта, файзли хонадоннинг ўзгача таровати бор эди...

Бир пиёла чай устида яқинроқ таънашдик.

— Узингиз ёлғиз турасизми ойижон? — сўрадим мезбондан.

— Қизим турмуш ўртоғи билан хорихда яшайди. Яқинда кимё бўйича докторликни ёқлайди. Ўғлим университетда дарс беради. Тақдир экан-да, икки йил аввал ҳалокатга учраб дунёдан ўтди. Келимин олти ойдан сўнг неварамни олиб отасиникига кетди... Шундан бери ёлғиз қолдим, — хўрсиниб кўзларига ёш олди онахон. У кишига сабр-қаноат тиладик. У киши ҳам бизнинг кайфиятимизни бузмаслик учун суҳбат мавзунини ўзгартирди. Анча вақтгача чин юракдан дардлашдик. Толиқганимизни сезгач, секингина бизга дам оладиган хонани кўрсатди. Ичкарига кирдигу дугонам иккимиз ҳам ҳайратдан қотиб қолдик. Катта хонанинг ярмини эгаллаган жапонлик тўла китоб эди. Болалигимизда талашиб-тортишиб ўқиган китоблардан тортиб, кечагина нашрдан чиққан энг сара асарларгача. Мендан ҳам кўра дугонанинг қувонганини айтмайсизми. Ўша лаҳзагача ўзини қийнаётган дард-ни ўйлаб ёруғ чехраси сира очилмаётганди. Энди бўлса...

— Қанинди ўртоқ, шуларнинг ҳаммасини эрталабгача ўқиб чиқсам, — деди бир-бирдан гўзал китобларни варақларкан.

— Сени билмадим, лекин мен каттиқ чарчаганман, ухлайман. Хўш, дориларингни ичдингми? — сўрадим ундан.

— Ҳа-ҳа, сен бемалол ухлайвер, — гапимга парво қилмади у ва Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” китобини ўқишга тушиб кетди.

«Сариқ девни миниб»нинг икки саҳифасини зўрға ўқидим, кўзим илиниб кетди. Ярим тунда уйғонсам, дугонам ҳалиям миқ этмай китоб ўқирди. Уни хасталик ҳақидаги ўйлардан чалғиқандан хурсанд бўлдим.

Эрталаб нонушта устида ҳам у ки-

Минг афсуски, ўша куни ортимизга ана шундай хурсандчилик билан қайтиш насиб этмади. Тиббий таҳлил натижалари ёмон чиқди. Обдон текширган шифокор мени четга чақириб, уни зудлик билан махсус шифохонада ётқизиш лозимлигини тайинлади. Дугонам эса ҳаммасидан хабардор эди. Шунинг учун ҳам бамайлихотир бўлиб, “Оллоҳ нени раво кўрган бўлса чидайми” деб кўйдим...

Наманганга қайтгач, у шифохонага ётди. Бир ойбу ўн етти кун ичида қачон, қай маҳал уни кўргани бормайин, ҳали-

СЎНГГИ ВАСИЯТ

ёхуд китобга меҳр қўйган аёл ибрати

тобни кўлидан қўймади. Онахон билан хайрлашаётганимизда, у киши ҳозир, деди-да, бизлар дам олган хонага кириб кетди. Бир пайт ўнганча китобни ипга боғлаб чиқди-да, уларни дугонанинг кўлига тутқазди.

— Қизим, сизга ҳавасим келди, мен буларни ўн марталаб ўқиганман. Мендан сизга, фарзандларингизга арзимас бўлса-да, совға деб қабул қилинг!

Дугонанинг дард захил қилган юзида гўё қуёш балқиди. Онахонни маҳкам кучоқлаб ўпиб, қайта-қайта раҳмат айтди.



ги онахон бериб юборган китобларни кўлдан қўймай ўқийганининг устидан чиқардим. Бир куни...

Биз келишини истамаган ўша машъум сониялар яқин эди жудаёму. Дўхтирлар хатто яқинларининг ҳам унинг олдиға киришига рухсат беришмади. Ўзининг илтимосига кўра, менга рухсат беришди, холос. Бор ҳақиқатни англаб, тушуниб турганлиги унинг кўзларига сезилиб турарди.

— Эссиз, сен Тошкентда барибир ҳаммасини ўқиб чиқашга улгурмайсанку, девдинг-а, рост айтган экансан, яна иккитаси қолди, — деди дугонам тум-

Ҳаётимий воқеа

бочка устидаги китобларга ишора қилиб. Томоғимга нимадир тиқилди. Нима дейишим билмай қолдим. Пойтахтда, ўша, Худойим ярақлаган муаллима аёлнинг уйида билиб-билмай беҳосдан айтиб юборган сўзларимга пушаймон бўлдим. Китобни болаларидан ҳам ортиқ яхши кўрадиган дугонам (у ҳеч қандай олий даргоҳда ўқимаган, лекин ўқиганлардан кўпроқ китоб мутолаа қилган эди) дан қандай уэр сўрашни билмай қийналардим. Бироз жимликдан сўнг у:

— Сендан битта илтимосим бор, бажара оласанми? — деди.

— Албатта!

— Ҳар ойда менинг ўғилларимга бир донадан китоб олиб беришингни ўтириб сўрайман. Оғринмайсанми? Йўқ, пулинг керакмас, оймимда менинг тилла узугим бор, ўшани сотгин-да, менинг сўнги васиятимни бажар, илтимос, жон дугонажон! Сен ўқиган одамсан, ишондим-а?..

У шу сўзларни айтиб, жим бўлди. Мен эса ўзинг пешонасини силаганча қотиб қолдим. Бир маҳал ҳамширалар шошилганча киришди-да, мени хонадан чиқариб юборишди. Уни махсус палатага олиб кетишди. Бир ярим кундан сўнг...

Ҳозир дугонанинг ўғиллари шаҳримиздаги ихтисослашган мактаб-интернатда ўқишяпти. Ҳар ойда уларни кўрганига рухсат беришмади. Ўзининг илтимосига кўра, менга рухсат беришди, холос. Бор ҳақиқатни англаб, тушуниб турганлиги унинг кўзларига сезилиб турарди.

Шахло ТОШБЕКОВА



ГАРОЙИБ ХАЙКАЛЛАР

"Осиблиб турган Фрейд"

Чехлар ҳамisha ўзларининг гайриоддий ҳазил-мутойибалари билан шуҳрат қозониб келган. Масалан, шу миллат вакили ҳайкалтарош Давид Черни турар-жой биноси томига бир одамни "осиб" қўйганига нима дейсиз? "Осиблиб турган Фрейд" номли ушбу антика ҳайкал кечалари сайёҳларни кўрқитади. Полиция учун ҳам бунинг турган




битгани оворагарчилик. Негаки, сайёҳлар томда "осилган" одамни кўриши билан бир сесканиб, кейин маза қилиб қулишади, аммо масаланинг моҳиятига етмаганлари дарҳол полицияга кўнғирок қилишади.

Давид Черни кўплаб ноанъанавий ишлар ва гаройиб ёдгорликлар, ҳайкаллар муаллифидир. Прага кўчалари бўйлаб сайр қилсангиз, деярли ҳар қадамда унинг ажойиб ижод намуналарини кўрасиз: телеминорага судралиб чиқаётган қорамағиз болакайлар, одам оёқли автомобиль, тушлик ликоп-часидаги одамнинг боши, шахар четидаги атиргуллардан ясалган танк дейсизми ва ҳоказо. Ҳам сесканиб, ҳам хайратга тушиб, ҳам мириқиб қулиб, бир олам таассуротларга эга бўласиз.

"Сузаётган пари"

Швеция пойтахти ёнидан оқиб ўтувчи дарёда бир гўзал қиз оҳиста сузиб бормоқда. Бир қарашда ҳамма шундай деб ўйлайди. Аслида бу қиз ҳақиқий эмас, балки ҳайкалдир. У чалқанча ётибди-ю, аммо ҳаракат қилмайди. Сув юзасига чиқиб турган кўли «Юпитер» меҳмонхонасини кўрсатиб турибди. Қиз ҳайкали бутун ишланган, аммо биз унинг танасини тўлалигига



эмас, фақат сув юзасига чиқиб турган қисминигина кўра оламиз.

Стокгольмининг меъморий тузилиши ва иклими бу каби эртакнамо персонажларни яратиш учун яхши имкон беради. Шу боис Швеция бўйлаб болалар билан сайр қилиш аини мудоао.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

ИНТЕРНЕТДАН ЁР ТОПГАН ЭДИ...

Эшик тақиллаб, хонага бирин-кетин икки аёл кириб келишди.

— Ассалому-алайкум, қизим, "Бахтли бўлинг" бўлимими?

— Келинлар, марҳамат!

— Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳрида яшаймиз. Менинг исми Саида, бу кишининг исми эса Ҳалимаҳон. Нафақадаги педагоглармиз. Бир пайтлар иккаламиз бир мактабда ишлаганмиз. Ҳар замонда бир-бир кўришиб турармиз.

— Гап-гаштакларда, денг.

— Ҳар ой нафақани олган кунимиз ўнта аёл "гап" ўйнаймиз. Ўтган ҳафта навбат Ҳалимаҳонники эди, уйлари-га меҳмонга бордик. Жуда чиройли, одобли кизи бор экан, шу пайтгача айтмабди. "Ҳой, бу қизни нега олиб ўтириб-сиз, узатмайсизми?" деса-ам ерга қараб: "Узатгандим, қайтиб келди" дейди. Ҳалимаҳон, ўзингиз гапириб бера қолинг. Саида опа боядан бери ерга қараб қимтинибгина ўтирган шеригини гапиришга ундади.

— Уч қизим бор. Икки қизим турмушга чиққан. Болачақали, ўзларидан тинган. Фақат катта қизим Дилобарнинг бахти очилиши қийин бўлди. Университетда ўқиб юрган кезлари бир йигит билан севишиб қолишди, ёшларни тўғри тушуниб унаштиргандик. Тўй қилишга улгурмадик. Кўевимиз автоҳалокатга учраб оламдан ўтиб қолди. Кейин қизим тушкунликка тушиб, турмушга чиқиб фикридан қайтди. На аммалари, на холалари уни оила қуришга кўндиролмадик. Ёши 28 га борганида бир дугонасининг гапи билан интернет орқали кўёв топилди. Бунинг эшитиб ҳазиллашяпти, деса-ам нияти жиддий экан. "Ўзимизнинг кишлоқда шунча йигитлар турганда қорейликка тегасанми", деб рози бўлмадим. Қизим бўлса, "Ойи, шу ердан кетсам Умид акам ҳақидаги хотираларимни унутаман, янгидан ҳаёт бошлайман", деди. Мен нодон қизим чет элга борса, дардини унутар, деб дадасини ҳам кўндирибман. Қаёқда, битта дарди ўнта бўлди. Бошида бир йилгина яхши яшайди. Бизни соғинган пайтида келишига рухсат бериб туришди. Баъзида уч-тўрт ойлаб кишлоқда қолиб кетса ҳам индамасди. Кейинроқ билсак, кўевимизнинг қизимдан бошқа яна иккита хотини бор экан. Бу унга оғир зарба бўлди. Олти ой тўшақдан бош кўтармай ётди. Ҳеч ким билан гаплашмади. Бунинг устига дадаси ҳам ҳаммасига сен айбдорсан, хорихлик кўевнинг пулига удинг, бошида қайтармадинг, деб таъна қилгани қилган. Бир ёқда қизимнинг сарғайган юзига термулсам, бир ёқда хўжайинининг қош-қовоғига қарайвериб эзилиб кетдим.


— Биздан қандай ёрдан керак?

— Саидаҳон газетанинг ҳар бир сонини қолдириб ўқиб бораркан. Бахтли бўлган оилалар ҳақида айтиб берганди, юрагим жиз этди. Зора боламнинг тенги топилиб, бахти очилса, деган ниятда келдим.

— Биз имкон қадар сизга ёрдан беришга ҳаракат қиламиз.

— Дилобарнинг ёши 30 да. Маълумоти олий. Илгари мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Ҳозир уйда. Тошкент шаҳри ёки вилоятда яшовчи 40 ёшга бўлган эркек бўлса, овоз берсин. Имонли-эътиқодли, зарарли одалардан холи инсон билан танишса, дейман.

ҲАЛИМА ая,



Тошкент вилояти.

ОШПАЗ ЙИГИТ КЕЛИН ИЗЛАЯПТИ

— Эрталабдан тахририятга келганимга ажабланманг. Ошхонада ишлайман. Вақтлроқ келиб ишимни битка-бит кетмасам, кейин мижозлардан гап эшитаман.

— Ошпаз бўлиб ишлайсизми?

— 20 йиллик тажрибам бор. Миллий таомларимизни маромига етказиб пишираман. Шаҳарнинг тўрт тарафидан мижозлар келиб, мен пиширган ошларни еб кетишади.

— Ҳўш, эшитамиз!

— Ёшим 48 да. Тошкент шаҳрида бир хонали уйимда ёлғиз яшайман. Аёлим билан қонуний ажрашганимга 10 йилдан ошди. Иккита қизим у билан яшайди. Бундан уч йил олдин бир аёлга уйлангандим. Одоб-ахлоқи жуда яхши эди. Лекин тутқаноқ касали бор экан. Уйланганимдан кейин роса довалатдим,

аммо касали тузалиш ўрнига кучайиб кетди. Охири яхшиликча ажралишдик. Тошкент шаҳрида яшовчи, саломатлиги жойида бўлган, 35–40 ёшлардаги бифарзанд аёл билан оила қурмоқчиман.

САНЖАР,
Тошкент шаҳри.

ОНА-БОЛА ОТА-БОЛАГА ТУРМУШГА ЧИҚДИК

Ушбу мактубни мен сизларга ота-онам ва ўзим номимдан йўллаяпман. Шу йил 12 март кун тахририятга боргандик. Биз оилада бир қиз, бир ўғлимиз. Отам оламдан ўтгач, онам акам иккимизни бир кўзда боқиб катта қилди.

Холаларим турмушга чиқинг дейишса, ўғлимдан уяламан, катта йигит бўлиб қолди деб кўнмаганди. Илгарилари акам бизга жуда меҳрибон, бир сўм топса онамга олиб келиб берадди. Уйланганидан кейин тамоман айнаиди. Мен-ку, майли сингилман, хафа бўлсам ҳам кўтараман, аммо онамни ҳеч менсимай қўйди. Келинойим олти ойдаёқ қозон-товоғини алоҳида қилиб олди. Қийналиб қолгач, қишлоқдошларнинг уйда ул-бул ишларини қилиб, пул топиб рўзгорни тебратдим. Онамга маҳалла оқсоқолига айтинг, акам билан янгамни тартибга чақириб қўйсин, деса-ам кўнмади. "Қўй болам, бир кун ўзлари ҳам қайнона-қайнота бўлишади. Ана ўшанда мени тушунишади. Уйимдаги гапни маҳаллага олиб чиқиб нима қиламан" деди. Охири онамни турмушга чиқишга кўндирдим. Минг истихола билан тахририятга бордик. "Бахтли бўлинг" бўлимига келган аёллар орасида онамдан ҳам ёши катталар борлигини кўриб хотиржам бўлдик. Сизларнинг ёрданингиз туфайли онамни сирдарёлик бир кишига узатдик. Уч ойдан сўнг тутинган отам ўзининг ўғлига мени келин қилиб олди. Тўй-томоша билан олиб кетди. Жуда меҳрибон, оилаларим билан экан. Кеч бўлса-да онам иккимиз бахтимизни тоганимиздан хурсандмиз. Ҳа, айтганча, мактубим сўнгида бир янгилик, ҳозир акам билан муносабатларимиз яхши. Уйдан кетганимиздан кейин қадримиз билинибди, шекилли. Илоҳим, ҳеч бир она ўз фарзанди олдида беқадр бўлмасин. Ҳаммамизга инсоф берсин.

Салом билан сирдарёлик
ФАРИДА.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан), соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Табиат — дорихона

МУХАЛЛАСДАН ДАВО ТОПИНГ

(гвоздика полевая)

Ушбу гиёҳ бир илдиздан 15–20 барг чиқариб, бўйи 20–60 см.гача етади. Барги бугдой поясининг баргига ўхшаш бўлади. Бу ўсимлик тошлоқ, тупроқ кам жойларда, адирларда ўсади.

Мухаллас илдиздан кўпаяди ва уруғдан ҳам пайдо бўлади. Гуллаган пайтда устки қисми ўриб олинчи, сояда қуритилади. Бу ўсимликни халқ орасида чинни гул ҳам деб аташади.

Унинг шифобахшлиги шундаки, агар бу ўсимлик қайнатиб ичилса, қон босимини туширади ҳамда қон айланишини яхшилайди. Меъда, жигар, сийдик йўли ва бачадон ичакларининг фаолиятига самарали таъсир кўрсатади.

Бепуштлиққа даво. Эр-хотин баравар ушбу ўсимликнинг дамламасидан 30 кун давомида ичиб юришса, ижобий фойда олишади. Агар 3,5 гр.дан 7 гр.гача миқдорини янчиб дамлаб ичилса, ҳар қандай заҳар (илон, чаён қаққанда) таъсирини йўқотади.

Ушбу ўсимликнинг мусалласи 1 ой давомида 3 маҳалдан ичилса, эркаклик қувватини ошириб, ошқозон, ичак, жигар фаолиятини яхшилайди. Ёшартириш хусусиятига ҳам эга. Қариликдан олдин оқарган сочларни қорайтиради. Салбий оқибатларга эга эмас.

1 ош қошиқ гиёҳни 200мл сувда 15–20 минут дамлаб, овқатдан ярим соат олдин дамламани учга бўлиб истеъмол қилинади.

Абдусаттор НОРМАТОВ,
доришунос.

Фойдали МАСЛАҲАТЛАР

• Тишларингизнинг ҳамиша оппоқ бўлиб, ярқираб туришини хоҳласангиз, янги сиқиб олинган лимон шарбатига пахта ботириб, у билан ҳафтада 3 марта тишларингизни артинг.

• Агарда семирмайн десангиз, доимо помидор шарбатини ичиб юринг.

• Ҳар тонгда яримта лимонни сиқиб сувга аралаштириб, у билан юзингизни артинг.

• Соябонларни ярим очик ҳолда содали сувга солиб, ювиш лозим. Ундан сўнг очиб душ тагида чайиш лозим.

• Ошқозонингизда оғриқ пайдо бўлса, мой-чечак ва бўйимодарон (тысячелистник)дан тенг миқдорда олиб, қайноқ сувга солиб, 20 дақиқа дамлангач, сузиб олиб, ичиш лозим.

• Музлатгич ичида нохуш ҳид пайдо бўлса, уни ҳеч бўлмаганда 1 ойда икки марта ичимлик содаси қўшилган илиқ сувда ювиш лозим.

• Дазмол юзида занг пайдо бўлса, уни идиш ювиш воситаси шимдирилган юмшоқ латта билан артиш лозим.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади



Ишга келаётгандик. Бизлар чиққан автобус энди иккинчи бекатнинг ярмига етганида йўл четига тоғора кўтариб олган бир аёл автобусга кўл силкиди. Хайдовчи машинани тўхтатди. Бўш ўриндиклардан бирига ўрнашиб олган онахоннинг ёнига борган чиптачи унинг қўлидаги ойлик чиптани кўргач, бирданнига асабийлашиб кетди:

— Хола, ойлик чиптангиз бор экан-ку, нега бизни мумкин бўлмаган жойда тўхтатиб овора қилдингиз? Йўқ, қани пулни чўзинг...

Хуллас, икки ўртадаги тортишув узоқ давом этди. Аёл бўлса "Мен бекатга улгуролмадим, қизим, бир сафар уэр энди" деса, жиккаккина чиптачи аёл ҳам бўш келмасди: "Биздаям режа бор, бажаришимиз керак, қани беринг-чи". Охири ёнидагилардан истиҳола қилган аёл ҳамёнидан пул чиқарди-да, "Майли, шу билан кўнглингиз хотиржам бўлсин, бундан кейин бекатдан чиқаман", деб секингина тушиб кетди...

Бу — биз деярли ҳар кун гувоҳ бўладиган оддий воқеалардан бири ҳолос. Бунда биз йўловчини ҳам, хизмат вази-фасини бажараётган чиптачини ҳам айблагга ҳақли эмасмиз. Лекин муаммонинг асл илдири қаерда, белгиланган йўналиш бўйича қатнайдиган автобуслар бекатдан бошқа жойларда ҳам тўхташи мумкинми, мумкин бўлмаса қандай чоралар кўрилади? Ушбу саволларга мутахассислар куйидагича жавоб беришди:

Ҳабибулла ИСМАТУЛЛАЕВ,
"Тошхартрансхизмат" уюшмаси қошидаги "Тошавтобустранс" акциядорлик компанияси бўлим бошлиғи:

— Тўғри, шаҳар жамоат транспорти ҳаракати жараёнида бу каби муаммо-

лар учраб туради. Бундай ҳолга баъзан йўловчиларнинг жамоат транспорти маданиятини билмасликлари сабаб бўлса, гоҳида хайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузишлари ёки айрим чиптачиларнинг кўпол муомаласи оқибатида тушунмовчилик келиб чиқади. Бу каби ҳолатлар ўз-ўзидан келиб чиқмайди, албатта. Яқинда бир шикоятчи ўргандик. Маълум бўлишича, чиптачи йўловчидан ойлик чиптаси билан бирга гувоҳномасини ҳам сўрайди. Йўловчи

Пойтахт транспорти

Фарҳод НИҒМОҶОВ:
"Тошхартрансхизмат" уюшмасининг ҳаракат хавфсизлиги хизмати бошлиғи:

— Бекатларга энгил машиналар, баъзан эса автобусларнинг кетма-кет келиб қолиши сабабли хайдовчилар белгиланмаган жойларда тўхташга мажбур бўлишмоқда. Маълумки, шахримиздаги деярли барча бекатларга автобуслар тўхташи учун махсус жойлар сариқ чизиқ билан белгилаб қўйилган. Бунга риоя қилмаган айрим хайдовчилар чизиқларнинг усти ва ички тарафига машиналарини қўйиб кетиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Автобусларнинг бекатдан йироқда ёки икки бекат оралиғида тўхташига келсак, бу йўл қоидаларини бузиш ҳисобланади. Жамоат транспорти ярим йўлда фақат фавқулодда ҳодиса рўй бергандагина, яъни техник носозлик боис ёки бирор йўловчининг тоби қочиб қолган пайтда тўхташи мумкин. Тўхташ белгиланмаган жойда автобусни тўхтатган хайдовчиларга ойлик маошининг 50% гача бўлган миқдорда жарима солинади. Жорий йилнинг беш ойига хайдовчилар томонидан 568 та турли қондубузарлик ҳолатлари рўй берган. Бу борада ҳам кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Дарвоқе, қарс икки қўлдан чиқади деганларидек, кейинги йилларда пойтахтимизда йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифати ҳар томонлама ошганлиги эътироф этилаётганлиги бежиз эмас. Чунки зоғимизни яқин, оғиримизни энгил қилиш йўлида фидоийлик кўрсатиб ишлаётганлар меҳнати қадрлаш ва ҳолисона баҳолаш ҳам сизу бизга боғлиқ. Шундай экан, бу борада ҳали изланишлар яна давом этаверади.

Барно МИРЗААҲМЕДОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

БЕЛГИЛАНГАН БЕКАТ

ёхуд яна йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти хусусида



эса гувоҳномани кўрсатишдан бош тортади. Қарабсизки, икки ўртада жанжал чиққан. Ахир чиптачининг ҳар бир гувоҳномани кўздан кечиришга ҳақи бор-ку!

Яна бир ачинарли жиҳати, жамоат транспортда қалбаки гувоҳномалардан фойдаланиш ҳоллари ҳам кўп учрамоқда. Шу йилнинг январь ойидан майгача 444 та сохта гувоҳнома тортиб олинган. Таъкидлаш жоизки, 1996 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунига биноан транспорт воситаларидан бепул ва имтиёзли равишда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифаси белгилаб қўйилган.

Жамоат транспортда ҳаракатланаётганда ҳар биримиз йўловчи учун ҳам, хайдовчи учун ҳам қонун баб-баравар эканлигини унутмаслигимиз керак.

"ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ"ГА ИШИНГИЗ ТУШСА...

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида ҳар бир соҳа ва тармоқ фаолиятини жамоатчилик назорати асосида таҳлил этиб боришда "Ишонч телефон"ларининг хизмати катта бўлаётир. Бу борада пойтахтимизнинг Олмазор тумани давлат солиқ инспекциясида олиб борилаётган ишлар ҳам ибратлидир.

2002 йил 13 декабрда қабул қилинган "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талаблари асосида изчил фаолият юритаётган "Ишонч телефони"мизга деярли ҳар кун мурожаатлар бўлиб турибди. Ушбу қонунда белгиланганидек, аввало, мурожаатларда фуқаронинг исми-шарифи, манзили, ариза-шикоятнинг мазмун-моҳияти аниқ кўрсатилиши шарт. Сохта маълумотлар кўриб чиқилмайди. Қонуннинг 13-моддасига кўра, мурожаатларни кўриб чиқишда фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотлар уларнинг розилигисиз ДСИ ходимлари томонидан ошкор этилиши мумкин эмас. Шунингдек, мазкур қонуннинг 17, 18, 19, 21-моддаларига асосан фуқароларнинг қабул қилинган қарор ёхуд хатти-ҳаракати устидан шикоят қилинаётган туман ДСИ ёки мансабдор шахсларнинг ўзларига кўриб чиқиш учун юбориш ман этилади. Турли масалалар юзасидан

Солиқ фаолияти

қилинган мурожаатлар бўйича кўрилган чора ёки қарорлар 15 кундан кечиктирилмай (айрим ҳолларда бир ой истисно тариқасида) шикоят муаллифига ДСИ раҳбари имзоси билан жўнатилади.

Шу ўринда яна бир асосий жиҳат хусусида ҳам тўхталмоқ жоиздир: яъни, қонуннинг 26, 27-моддаларига биноан фуқаронинг "Ишонч телефони"га қилган мурожаати тухмат ёки ҳақоратдан иборат бўлса, ёки била туриб сохта маълумотлар баён этилган шикоятини текшириш муносабати билан ДСИ томонидан сарфланган харажатларни қоплаш ва уни жавобгарликка тортиш юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, белгиланган тартибда суд органларига юборилиши мумкин.

Ушбу имкониятдан фойдаланган ҳолда, юртдошларимиздан илтимосимиз шуки, улар ҳар қандай ҳолатда ҳам энг аввало, ўзларини ўйлантираётган ва қийнаётган масалаларнинг асосли ва қонуний эканлигига ишонч ҳосил қилган тақдирдагина "Ишонч телефони"га мурожаат этсалар яхши бўларди.

Аҳмадбек МУҲИТДИНОВ,
Олмазор тумани ДСИ навбатчи қисм бошлиғи.



ЁШЛАРИМИЗ ЙЎЛЛАНМА ЭГАСИ

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 22 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида илк маротаба ташкил этиладиган Осиё чемпионатида йўлланма олди.

Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан 2014 йилнинг январь ойида ўтказиладиган мазкур чемпионатга чиқиш учун қитъамизнинг 41 та терма жамоаси етти гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро рақобатлашмоқда. Ўз гуруҳида дастлабки икки ўринни эгаллаган, шунингдек, энг яхши кўрсаткичга эга битта учинчи ўриндаги терма жамоаларга Осиё чемпионати финал босқичига йўлланма берилди.

Саралаш мусобақасини "Д" гуруҳи вакиллари бошлаб берди. Непалда бўлиб ўтган учрашуларда Алексей Евстафеев шоғирдлари Бангладеш, Иордания, Непал ва Яман футболчилари билан куч синашди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси турнирдаги дастлабки икки учрашуви ўз фойдасига ҳал қилди.

Учинчи турда яманликлар билан учрашган ҳамюртларимиз 1:1 ҳисобида дуранга эришди. Сўнгги баҳсда футболчиларимиз кутилмаганда Иордания ёшлар терма жамоасига 1:3 ҳисобида ютказиб қўйди. Шунга қарамай, етти очко билан мусобақа жадвалида иккинчи ўринни эгаллаган ёшларимиз 22 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатининг финал босқичига йўлланма олди.

БУГУН ЧОРАК ФИНАЛ

Футбол бўйича Европа чемпионати ҳам яқиний паллага кирмоқда. Газетамизнинг ўтган сонидида кучли саккиз жамоа номи аниқлангани ҳақида ёзган эдик. Бу ҳафта уларнинг сони яна тўрттага камайди. Яъни, бугун тунда чорак финалда Испания-Португалия баҳсига гувоҳ бўламиз. Эртага эса Германия-Италия жамоалари финалга чиқиш учун мurosасиз кураш олиб боришади.

Испания терма жамоаси бош мураббийи Виценте Дель Боскеннинг айтишича, Португалияга қарши ярим финал баҳсида ўйин шиддати Францияга қарши кечган ўйиндан кўра юқорироқ бўлар экан.

«Францияга қарши кечган ўйиндан сўнг бизда жисмоний тикланиш билан боғлиқ муаммо бўлмади. Французларга қарши намойиш этган ўйиндан кўра бошқачароқ футбол намойиш этамиз. Рақиб бизни шунга мажбур қилади, деб ўйлайман», — дейди Дель Боске.

Интернет манбалари асосида
Илхом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Фаргона вилояти хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Оила ва жамият» газетаси жамоалари оташнафас ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти **Маъмуржон ТўХТАСИНОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила-аъзоларига чўқур таъзия билдиради.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» асоцияцияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бosh муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Дилроз АБРАЕВА
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОҶОВ
Мусаҳҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темуру кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 628. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 10201. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20
Котибят: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

12345